



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 28 » январь

№ 40

Toshkent sh.

Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Курилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган курилиш чиқиндиларидан такрор фойдаланиш, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

курилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштиришга доир асосий талаблар;

курилиш чиқиндиларини чиқинди полигонига жойлаштириш учун топшириш ва қабул қилиш;

курилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш;

курилиш чиқиндиларини йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш устидан давлат назоратини амалга ошириш.

2. Белгилансинки:

барча турдаги курилиш чиқиндилари қоида тариқасида чиқинди чиқарувчилар томонидан устувор равишда такрорий фойдаланилиши, утилизация қилиниши ёки қайта ишланиши ёки мазкур чиқиндиларни тўплаш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларга топширилиши (берилиши), реализация қилиниши, шунингдек, утилизация қилинмайдиган ёки қайта ишланмайдиган курилиш чиқиндилари экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилиши;

такрорий фойдаланишга ёки қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш обьекти жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларни утилизация қилиш ёки қайта ишлашга йўналтирилиши;

қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган ёки улардан такрорий фойдаланишга талаб бўлмаган тақдирда, қурилиш чиқиндилари уларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган қурилиш чиқинди полигонларига ёки қурилиш чиқинди полигонлари мавжуд бўлмаган ҳудудларда майший чиқинди полигонларига жойлаштирилиши шарт.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида (кейинги ўринларда – қурилиш ишлари) лойиха ҳужжатларини ишлаб чиқища қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлик ишларни амалга ошириш назарда тутилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

2021 йил 1 майга қадар қурилиш чиқинди полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси киритилишини;

қурилиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва полигонларга жойлаштириш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш устидан қатъий назорат ўрнатилишини;

қурилиш ишлари амалга оширилишида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндилари белгиланмаган жойларга ташлаганлиги учун тегишли чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси обьектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш қоидаларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А.И. Максудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” январдаги 40-сон қарорига
1-илова

**Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қурилиш чиқиндиларини тўплаш, сақлаш, ташиш, шунингдек, уларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш тартибини белгилайди.

Хўжалик фаолияти натижасида қурилиш чиқиндилари ҳосил бўладиган ташкилотлар (курилиш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишларини амалга оширувчи ташкилотлар), шунингдек, қурилиш чиқиндиларини тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи барча юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мазкур Низом талабларига риоя этилиши мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Низом талаби аҳоли томонидан қурилиш ишлари олиб борилишида ҳосил бўлувчи қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

курилиш чиқиндилари – бино ва иншоотлар, шу жумладан йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини ҳамда ишлаб чиқариш обьектларини куриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда бузиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар;

чиқинди чиқарувчилар – хўжалик фаолияти натижасида қурилиш чиқиндилари ҳосил қиласидаган (курилиш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш каби ишларни амалга оширувчи ташкилотлар) юридик шахслар;

курилиш чиқиндиларини ташувчилар – қурилиш чиқиндиларини ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

курилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши обьекти – қурилиш, реконструкция ёки монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишлари олиб бориладиган қурилиш майдончаси, ишлаб чиқариш участкаси, бино ва иншоотлар.

3. Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишга доир асосий талаблар

4. Барча турдаги курилиш чиқиндилари қоида тариқасида чиқинди чиқарувчилар томонидан устувор рақвишда такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга йўналтирилиши ёки мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиб, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи бошқа юридик шахсларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга топширилиши (берилиши), реализация қилиниши, шунингдек, утилизация қилинмайдиган ёки қайта ишланмайдиган курилиш чиқиндилари экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда кўмилиши таъминланиши шарт.

5. Ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ курилиш чиқиндилари турлари такрорий фойдаланишга ёки курилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш обьекти жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга ташкилотлар мавжуд бўлган тақдирда, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлашга йўналтирилиши лозим.

Курилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга бўлган ташкилотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли ёки улардан такрорий фойдаланишга талаб бўлмаган тақдирда, курилиш чиқиндилари уларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган курилиш чиқинди полигонларига ёки курилиш чиқиндилари полигонлари мавжуд бўлмаган ҳудудларда майший чиқиндилари полигонларига (кейинги ўринларда – чиқинди полигони) жойлаштирилиши шарт.

6. Курилиш чиқиндилари мустақил равишда тўлиқ утилизация қилинишини, қайта ишланишини ёки такрорий фойдаланилишини таъминлаш имкониятига эга бўлмаган чиқинди чиқарувчилар қурилиш чиқиндиларини топшириш (бериш) ёки реализация қилиш юзасидан мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиб, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектлар (курилиш ёки майший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган юридик шахс билан тузилган шартномага эга бўлишлари шарт.

7. Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш харажатлари лойиха-смета ҳужжатларида мажбурий тартибда назарда тутилади ҳамда бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектларнинг курилиши, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиниши, таъмирланиши, ободонлаштириш ишлари, шунингдек, бошқа маҳсус ишлар қийматига кўшилади.

8. Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёни ҳар бир курилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши обьекти бўйича курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнлари

тартибини белгиловчи техник ҳужжатда (кейинги ўринларда – техник ҳужжат) белгилаб қўйилади.

9. Техник ҳужжат чиқинди чиқарувчилар томонидан ушбу Низомга З-иловага мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳасига илова қилинади.

10. Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндиларининг ҳосил бўлишидан бошлаб улардан такрорий фойдаланиш ёки кўмилишигача бўлган барча жараёнлар бўйича тўлиқ ва ишончли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндиларини иккиласмчи хомашё ёки иккиласмчи маҳсулот сифатида имкон қадар кўпроқ хўжалик ишлаб чиқариши айланмасига жалб қилиш учун улардан такрор фойдаланиш, шунингдек, утилизация қилиш ва қайта ишлашнинг энг самарали йўналишлари ҳисобга олинади.

11. Техник ҳужжатда қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича акс эттирилган барча талаблар чиқинди чиқарувчилар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пудратчилар учун ҳам уларга риоя этилиши мажбурий эканлиги белгилаб қўйилади.

3-боб. Қурилиш чиқиндиларини тўплаш ва вақтинча сақлашга доир асосий талаблар

12. Тақрорий фойдаланишга ва қайта ишлашга яроқли қурилиш чиқиндиларини тўплаш улар ҳосил бўладиган обьектларда ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ, фойдаланишнинг ягона йўналишига эга бўлган позициялар бўйича (2-иловага киритилмаган бошқа қурилиш чиқиндилари уларнинг келиб чиқиши, агрегат ҳолати, хавфлилилк синфи ва фойдаланиш имкониятларига кўра) алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда амалга оширилади.

Кўмиш учун йўналтириладиган қурилиш чиқиндиларини тўплаш улар хавфлилилк синфи бўйича алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда амалга оширилади.

13. Қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши обьектларида қурилиш чиқиндиларини фақат маҳсус ажратилган (шу жумладан жиҳозланган) майдончаларда (кейинги ўринларда – вақтинча сақлаш жойлари) вақтинча сақлашга (тўплаш, жойлаштириш) йўл қўйилади.

Бунда кўмиш учун йўналтириладиган қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлашнинг (тўплаш, жойлаштиришнинг) чекланган муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги шарт.

Вақтинча сақлаш жойларининг ўлчами (майдони) ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда ҳар 1 m^2 га тўғри келадиган қурилиш чиқиндилар микдорининг ҳисоби 3 тоннадан ошмаслиги лозим.

14. Қурилиш чиқиндиларини вақтингча сақлаш жойлари қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

бевосита қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объектларининг ҳудудида ёки унга бевосита яқин бўлган чиқинди чиқарувчи томонидан ушбу мақсадда фойдаланиш учун ижара ёки бошқа ҳуқуқий асосларда фойдаланишга олинган участкада жойлашган бўлиши, шунингдек, турар жой биноларининг деразалари, таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари, дам олиш жойлари участкаларининг чегарасидан 20 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашиши;

махсус транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг эркин ҳаракатланиши ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилиши ҳамда атрофи периметри бўйлаб (кириш йўлидан ташқари) вақтингчалик ҳимоя воситалари билан ўралган бўлиши;

қайта ишланадиган ва такорий фойдаланиладиган чиқиндиларни сақлашда ёғингарчилик ва шамол таъсиридан ҳимояланган бўлиши;

кириш йўли ва тунги ташқи ёритиш тизимига эга бўлиши;

тупроқ қатлами қурилиш чиқиндилари билан ифлосланишининг олди олинишини таъминлайдиган (сув ўтказмайдиган, асфальт, бетон) қопламага эга бўлиши.

15. Вақтингча сақлаш жойларида қурилиш чиқиндиларини сақлаш (тўплаш, жойлаштириш) ишларини ташкил этишда алоҳида саралаб (ажратиб) тўпланган чиқиндилар уларни олиб чиқиб кетиш (ташиш) учун юклаш ишлари амалга оширилишида махсус транспорт воситалари, машина ва механизмларга халақит бермаслигини ҳисобга олиш лозим.

16. Йирик габаритли қурилиш чиқиндиларини сақлашда (тўплашда, жойлаштиришда) сифими 2 м^3 дан юқори бўлган идишлар (йирик габаритли контейнерлар, сифимлар) ёки мультилифт тизими билан жиҳозланган махсус автотранспорт воситалари ёрдамида ташиладиган контейнерлардан (алмашадиган кузовлардан) фойдаланиш мумкин.

17. Қурилиш чиқиндиларини вақтингча сақлаш уларнинг хавфлилик синfiga кўра:

хавфсиз қурилиш чиқиндиларини вақтингча сақлаш жойларининг очик майдончаларида;

хавфли қурилиш чиқиндилари мажбурий тартибда контейнерлар, чиқинди қутилари ва чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғи ҳамда атроф муҳитга зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминловчи бошқа идишларда (сифимларда) амалга оширилади.

18. Чиқинди чиқарувчилар ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича вақтингча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар ҳисобини юритади.

Хисобни юритиш қайд этиш журналида ёки электрон шаклда олиб борилади ва ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича қурилиш чиқиндиларини ташишга кузатув талони (кейинги ўринларда – кузатув талони) илова қилиб борилади.

19. Вақтинча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар ҳисоби бўйича маълумотлар ва улар билан боғлиқ бухгалтерия хужжатлари уч йил давомида сақланади.

4-боб. Қурилиш чиқиндиларини ташишга доир асосий талаблар

20. Қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиш обьектлари ва вақтинча сақлаш жойларидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш чиқинди чиқарувчилар томонидан (ўз техник имкониятларига кўра) ёки шартнома асосида мазкур чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи, ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектлар (курилиш ёки майший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Курилиш чиқиндиларини ташувчилар мазкур хизматларни кўрсатиш учун курилиш чиқиндиларини тўплаш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топширишни (реализация қилишни) ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектлар (курилиш ёки майший чиқиндилар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар билан чиқиндиларни жойлаштиришни тасдиқловчи хужжатга (шартномага) эга бўлиши лозим.

21. Хавфли юк сифатида таснифланган чиқиндиларни ташиш хавфли юкларни ташиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Қурилиш чиқиндиларини ташиб бориш манзили (заруратга кўра йўналиш чизмаси) чиқинди чиқарувчи томонидан кузатув талонида белгилаб берилади.

23. Қурилиш чиқиндиларини ташиш учун транспорт воситасини йўналишга чиқаришда ҳайдовчининг ёнида икки нусхадаги кузатув талони ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳужжатлар бўлиши зарур.

24. Қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш учун ағдарма, бортли ёки мультилифт тизими билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланилади.

25. Қурилиш чиқиндиларини очиқ кузовли транспорт воситаларида ташиш, уларнинг усти чиқиндиларнинг шамолга учиши ва тушиб қолишининг (сочилиб кетишининг) олдини олувчи брезент ёки бошқа материаллар билан ёпилган ҳолда амалга оширилади (йирик габаритли қурилиш хиқиндиларини ташиш бундан мустасно).

26. Курилиш чиқиндилари ташувчилар қуидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларига мувофиқ юк ташишга бўлган умумий талабларга риоя қилиш;

курилиш чиқиндиларини белгиланган манзилга (объектга) ўз вақтида ташилишини таъминлаш ва бунда тегишли манзилга (объектга) олиб борувчи йўналиш чизмасига (агар мавжуд бўлса) риоя қилиш;

кузатув талонини мазкур чиқиндиларни қабул қилиб олувчилардан тасдиқлатиб олиш ва унинг бир нусхасини курилиш чиқиндилари ташилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай чиқинди чиқарувчиларга топшириш.

27. Курилиш чиқиндиларини ташувчилар томонидан шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш чиқинди чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

5-боб. Курилиш чиқиндиларини чиқинди полигонига жойлаштириш учун топшириш (қабул қилиш)

28. Чиқинди полигони ҳудудига кираётган ва чиқиб кетаётган транспорт воситалари кириш/чиқиш пунктида маҳсус назорат-дезинфекция ҳудудидан (ховуздан) ўтиши, оғирлиги тарозида (юк билан ва юксиз) тортилиши, шунингдек, бу товар-транспорт ҳужжатларида (йўл варақалари) ҳамда тегишли қайд этиш журналида ёки электрон шаклда қайд этиб борилиши лозим.

29. Курилиш чиқиндиларини қабул қилувчи чиқинди полигонининг масъул ходими кузатув талонида мазкур чиқинди турини, ҳақиқатда қабул қилинган (топширилган) чиқинди микдорини кўрсатган ҳолда уни тасдиқлаб бериши лозим.

Бунда кузатув талонининг бир нусхаси курилиш чиқиндиларини қабул қилувчида қолади.

30. Курилиш чиқиндиларини (бетон, шебень ва ғишт бўлаклари, қум, тупроқ) маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилишда фойдаланиш учун қабул қилиш мумкин.

6-боб. Атроф мухитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар

31. Курилиш чиқиндилари билан боғлик ишларни амалга оширишда атроф мухит чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши зарур.

32. Курилиш чиқиндиларини аҳоли пунктлари ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга заарар етказиш таҳдиidi келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларга ташлаш ва кўмиш тақиқланади.

7-боб. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш

33. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

34. Қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасини юритиш фаолияти қуидагиларни ўз ичига олади:

ҳақиқатда ҳосил бўлган, такрорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга ёки кўмишга йўналтирилган қурилиш чиқиндилари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, юритиш ва янгилашибориш;

техник хужжатда кўрсатилган маълумотларни қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасига киритиш;

чиқинди чиқарувчилардан ушбу Низомга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ намунавий шакллар бўйича маълумот ва тасдиқномаларни қабул қилиш;

қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базаси асосида ҳисбот тайёрлашибориш ва Давлат экология қўмитасига тақдим этишибориш;

жорий ҳолатни таҳтил қилиш ва келгусида қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишибориш соҳасидаги прогнозларни белгилашибориш;

қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш, қайта ишлашибориш, жойлаштириш ва бошқа обьектларни ташкил этишибориш, уларни ривожлантириш ёки модернизация қилиш, шунингдек, қурилиш чиқиндиларининг иккиламчи маҳсулотларини хўжалик ишлаб чиқаришибориш айланмасига жалб қилиш тизими юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

техник хужжатга амалда риоя этилиши (бажарилиши) устидан давлат экологик назоратини олишибориш.

8-боб. Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишибориш тартибига риоя этилиши устидан назорат

35. Чиқинди чиқарувчилар ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тасдиқнома олишибориш учун чиқиндиларни қабул қилиб олган ташкилотларга расмий равишда мурожаат қиласидилар.

Чиқиндиларни қабул қилиб олган ташкилотлар чиқинди чиқарувчилар мурожаат қилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тасдиқномани тайёрлайдилар ва чиқинди чиқарувчиларга тақдим этадилар.

36. Чиқинди чиқарувчилар бино ва иншоотларни қуришибориш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлашибориш, шунингдек, бузиш ишлари тугалланганидан сўнг обьектларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга топширгунга қадар (камидан беш иш кун олдин) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органларига ушбу Низомга 6 ва 7-иловаларига мувофиқ намунавий шаклларда:

ҳар бир қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объекти бўйича қурилиш чиқиндилари тақорорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга, шунингдек, кўмишга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумот;

шартномага мувофиқ қабул қилиб олинган чиқиндилар тўғрисида тасдиқномани тақдим этадилар.

37. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари тақдим этилган маълумот ва тасдиқномаларни қабул қилиб олган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ундаги маълумотларни таҳлил қиласди ва ушбу Низомга мувофиқ тақдим этилганлигини текширади ҳамда хато ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда, ундаги маълумотларни қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасига киритади.

Маълумот ва тасдиқномаларда хато ва камчиликлар аниқланган ҳолларда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари бу ҳақида хабар қабул қилиб олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида, асосли камчиликларни қўрсатган ҳолда уни тақдим этган ташкилотни ҳабардор қиласди.

Маълумот ва тасдиқномани тақдим этувчи ташкилот аниқланган камчиликларни ўн иш куни мобайнида бартараф қилиб қайта тақдим этади.

38. Ушбу Низомга мувофиқ маълумот ва тасдиқномаларни тақдим этмаслик чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш хисобланади.

39. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини тамилайдилар.

Давлат экологик назорати амалга оширилганда чиқинди чиқарувчилар томонидан давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг талаби бўйича вақтинча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тақдим этилади.

40. Оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

9-боб. Якунловчи қоидалар

43. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

44. Юридик ва жисмоний шахслар чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши оқибатида етказилган заарарнинг ўрнини белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар ва атроф табиий муҳитга етказилган заарар миқдорини аниқлаш усулларига

мувофиқ ёки улар мавжуд бўлмаган тақдирда, етказилган заар, шу жумладан, бой берилган фойдани ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитнинг бузилган ҳолатини тиклаш учун қилинадиган ҳақиқий харажатлар микдоридан келиб чиқиб қоплаши шарт.

45. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун хужжатларининг бузилишида айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши уларни қонун бузилиши ва унинг оқибатларини бартараф этиш, фуқаролар соғлиги ва мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга етказилган заарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тұғрисидаги низомга
1-илова

Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Амалга ошириш муддатлари
1-босқич	Хўжалик фаолияти натижасида курилиш чиқиндилари ҳосил қиласиган юридик шахслар	<p>1. Ҳар бир қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши обьекти бўйича қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнлари тартибини белгиловчи техник хужжатни ишлаб чиқади.</p> <p>2. Техник хужжатни атроф мухитга таъсир кўрсатилиши тұғрисидаги баёнот лойихасига илова қилган холда қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказади.</p>	<p>1. Атроф мухитга таъсир кўрсатилиши тұғрисидаги баёнот лойихасини ишлаб чиқиш жараёнида.</p> <p>2. Мўлжалланаётган ёки режалаштирилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тұғрисида қарор қабул қилингунинг қадар.</p>
2-босқич	Чиқинди чиқарувчилар	Техник хужжатга мувофиқ қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш харажатларини курилиш лойиха-смета хужжатларига киритади.	Курилиш лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида
3-босқич	Чиқинди чиқарувчилар	Курилиш чиқиндиларини тўплаш, ташиб, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ёхуд бундай чиқиндиларни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектларга (курилиш чиқиндилари полигонлари ёки майший чиқинди полигонлари эга бўлган ташкилотлар билан чиқиндиларни топшириш (реализация қилиш) ёки олиб чиқиб кетишга шартнома тузади.	Курилиш ишлари даврида
4-босқич	Чиқинди чиқарувчилар	<p>1. Курилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши обьектида:</p> <p>такрорий фойдаланишга ва қайта ишлашга яроқли қурилиш чиқиндиларини алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда тўплайди;</p> <p>кўмиш учун йўналтириладиган қурилиш чиқиндиларини уларнинг хавфлилик синфи бўйича алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда тўплайди.</p> <p>2. Курилиш чиқиндиларини вақтингча сақлайди.</p> <p>3. Курилиш чиқиндилари олиб чиқиб кетилишини ташкил этади.</p> <p>4. Вақтингча сақлаш жойида сақланган ва олиб чиқиб кетилган чиқиндилар ҳисобини юритади.</p>	<p>1. Курилиш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва бузиш ишлари даврида.</p> <p>2. Ўттиз календарь кундан ошмаган муддатда.</p> <p>3. Курилиш ишлари даврида.</p> <p>4. Курилиш ишлари даврида.</p>

5-боскич	Курилиш чиқиндиарини ташувчилар	<ol style="list-style-type: none">1. Курилиш чиқиндиарини түплаш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топшириш (реализация қилишни) ёхуд бундай чиқиндиарни жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектлар (курилиш ёки маший чиқиндиар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар билан чиқиндиарни жойлаштириш учун шартнома тузади.2. Курилиш чиқиндиарини шартнома, йўналиш чизмаси ёки қурилиш чиқиндиарини ташишга кузатув талонида белгиланган манзилга (объектга) ўз вақтида ташилишини таъминлайди.3. Курилиш чиқиндиарини ташишга кузатув талонини мазкур чиқиндиарни қабул қилиб оловчилардан тасдиқлатади ва унинг бир нусхасини чиқинди чиқарувчиларга топширади.	<ol style="list-style-type: none">1. Заруратга кўра ёки қурилиш ишлари даврида.2. Белгиланган муддатларда.3. Курилиш чиқиндиарини ташилгандан кейинги иш кунидан кечиктирмай.
6-боскич	Чиқинди чиқарувчилар	<ol style="list-style-type: none">1. Курилиш чиқиндиарини ташувчилар томонидан шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларининг бажарилишини назорат қиласди.2. Курилиш чиқиндиарини қабул қилиб оловчиларга топширишнинг хисобини юритади.	Курилиш ишлари даврида
7-боскич	Курилиш чиқиндиарини жойлаштириш учун маҳсус ажратилган обьектлар (курилиш ёки маший чиқиндиар полигонлари)га эга бўлган ташкилотлар	<ol style="list-style-type: none">1. Чиқинди полигони худудига кираётган ва чиқиб кетаётган транспорт воситалари оғирлигини кириш/чиқиш пунктида тарозида тортилишини (юк билан ва юксиз) таъминлайди.2. Қабул қилиб олинган юк ҳақидаги маълумотларни товар-транспорт ҳужжатлари (йўл варакалари)да ҳамда тегишли қайд этиш журналида ёки электрон шаклда қайд этиб боради.3. Курилиш чиқиндиарини ташишга кузатув талонида мазкур чиқинди турини ҳақиқатда қабул қилиб олинган чиқинди миқдорини кўрсатган ҳолда тасдиқлади.4. Курилиш чиқиндиарини ташишга кузатув талонининг бир нусхасини курилиш чиқиндиарини ташувчиларга топширади ва иккинчи нусхасини ўзида сақлади.	Курилиш чиқиндиарини қабул қилиб олиш жараёнида

8-босқич	1. Чиқинди чиқарувчилар 2. Чиқиндиларни қабул қилиб олувчилар 3. Чиқинди чиқарувчилар	<p>1. Ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бүйича тасдиқнома олиш учун чиқиндиларни қабул қилиб олган ташкилотларга расмий равища мурожаат қиласы.</p> <p>2. Ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бүйича тасдиқномани тайёрлайды ва чиқинди чиқарувчиларга тақдим этады.</p> <p>3. Давлат экология қўмитасининг худудий органларига ушбу Низомга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ намунавий шаклларда:</p> <p>хар бир қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлиши объекти бўйича қурилиш чиқиндилари тақорорий фойдаланишга, утилизация қилишга, қайта ишлашга, шунингдек, қўмишга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумот;</p> <p>шартномага мувофиқ қабул қилиб олинган чиқиндилар тўғрисида тасдиқнома тақдим этади.</p>	1. Қурилиш ишлари якунига кўра. 2. Чиқинди чиқарувчилар мурожаат қилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида. 3. Қурилиш ишлари тугалланганидан сўнг, обьектларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга топширгунига қадар (камидা беш иш кун олдин).
9-босқич	Давлат экология қўмитасининг худудий органлари	<p>1. Чиқинди чиқарувчилар томонидан тақдим этилган маълумот ва тасдиқномалардаги маълумотларни таҳлил қилиш, мазкур тартибга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини текшириш ҳамда хато ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда, ундаги маълумотларни қурилиш чиқиндиларининг маълумотлар базасига киритади.</p> <p>2. Маълумот ва тасдиқномалarda хато ва камчиликлар аниқланганда асосли камчиликларни кўрсатган ҳолда уни тақдим этган ташкилотни хабардор қиласы.</p>	1. Беш иш куни мобайнида. 2. Беш иш куни мобайнида.
10-босқич	Чиқинди чиқарувчилар	Маълумот ва тасдиқномаларда аниқланган камчиликларни бартараф қилиб, Давлат экология қўмитасининг худудий органларига қайта тақдим этади.	Ўн иш куни мобайнида
11-босқич	Давлат экология қўмитасининг худудий органлари	Маълумот ва тасдиқномаларни тақдим этмаган чиқинди чиқарувчиларга нисбатан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини кўради.	Заруратга кўра

Курилиш чиқиндилари
билин боғлиқ ишларни амалга
ошириш тартиби түррисидаги низомга
2-илова

Иккиламчи хомашё ҳисобланган чиқиндилар номенклатураси ва улардан фойдаланишнинг устувор йўналишлари

Кичик груп	Чиқиндилар позициясининг номи (рўйхати)	Фойдаланишнинг устувор йўналишлари (утилизация қилиш ва қайта ишлаш маҳсулоти)
1. Органик асосли чиқиндилар групҳи		
Ёғоч чиқиндилар	ёғоч материаллар ва конструкциялар, ёғоч иссиқлик изоляцияси материаллари, тахта, ДСП, фанера, ДВП, МДФ, ёғоч таралар ва бошқалар	ёғоч материаллар, шу жумладан, мураккаб профилли, намга чидамли ва бошқалар, арболит, иссиқлик изоляцияси, шовқин изоляцияси
Қоғоз ва картон чиқиндилар	гулқоғозлар, қоғоз қадоқлаш идишлари, картон таралар ва бошқалар	иссиқлик аралашмалари, том материаллари
2. Минерал асосли чиқиндилар групҳи		
Табиий тош чиқиндилари	қоплама плита бўлаклари (парчалари, синиклари);	синиксимон плиталар, мозайкали қоплама плиталар
	тошга ишлов беришдан ҳосил бўлувчи шлам (кукунсимон)	шпатлёвка, сувок, сунъий тош, ташқи декоратив қопламалар
	брусчатка, тош ётқизилган йўллар ва бошқа табиий тош чиқиндилари	щебень (майдаланган тош)
Бетон ва қурилиш аралашмалари чиқиндилари	Темир-бетон ва бошқа оғир бетон чиқиндилари	щебень (майдаланган тош)
	енгил бетон чиқиндилари, ғовак бетон чиқиндилари, фибролитли, арболитли бетон чиқиндилари, сувок аралашмаларининг куруқ чиқиндилари	девор блокларини ишлаб чиқариш ва монолит қўйма учун кукунсимон тўлдиргичлар
Минерал боғловчи материаллар чиқиндилари	гипсли материал чиқиндилари (тўсик панеллари ва плиталари, гипсокартон, вент-блоклар), силикатли материал чиқиндилари (ғишт, ғовакли материаллар), оҳакли чиқиндилар (оҳак-кум, оҳак-кукун, оҳак-кул)	девор блокларини ишлаб чиқариш ва монолит қўйма учун кукунсимон тўлдиргичлар
Асбест-цемент чиқиндилар	том ёпиш листлари, ташқи қоплама панеллари, кувурлар, венткообкалар, электротехника доскалари	оловга чидамли девор блокларини ишлаб чиқариш учун тўлдиргичлар
Шиша ва унга тенглаштирилган чиқиндилар	шиша синиклари, кўпикли шиша чиқиндилари, шиша мато чиқиндилари, перлит ва вермикулит маҳсулот чиқиндилари, ғишт, сантехкерамик, фаянс ва керамикли плитка бўлаклари (парчалари, синиклари)	автоклавсиз кўпикли бетон блокларини ишлаб чиқариш учун кукунсимон хомашё, монолит ишлаб чиқариш
Керамик чиқиндилар		пресс-кукун, шликер қуйиш учун қоришиш, оловга чидамли сувок учун кўшимчалар, пигментлар ишлаб чиқариш учун кўшимчалар

Кичик гурух	Чиқиндилар позициясининг номи (рўйхати)	Фойдаланишнинг устувор йўналишлари (утилизация қилиш ва қайта ишлаш маҳсулоти)
3. Кимёвий асосли чиқиндилар гурухи		
Асфальт ва қатрон-бетон чиқиндилари		қайта тикланувчи (иккиламчи) асфальт-бетон
Рулонли том ёпиш ва гидроизоляция материаллари чиқиндилари	битумли, қатронли, қатрон-битумли, битум-полимерли, резина-катронли ва битумли (асоссиз) материаллар ҳамда кртон асосли материаллар (рубероид, пергамин, қора қофоз), шиша асосли (шишали рубероид), асбесли қофоз (гидроизол)	Асфальт-бетон қоришмаларини ишлаб чиқариш учун юпқа дисперсияли кукун
Пластмасса полимер ва чиқиндилар	линолеум ва полимер плитка чиқиндилари полимерли том ёпиш материаллари чиқиндилари пенопласт па поропласт (полистироль, полиуретан) чиқиндилар сув таъминоти, канализация ва электр ўтказгичларнинг пластмасса қувурлари, зина ва тўсиқ (панжара) тутқичлари, полимер асосли погонажли маҳсулотлар	ёғочли пластик ишлаб чиқариш учун кўшимчалар девор блоклар ишлаб чиқариш учун тўлдиргичлар иккиламчи полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун юпқа дисперсияли кукун

Изоҳ.

1. Қора ва рангли металл парчалари қайта ишланиши ва фойдаланилиши шарт. Мазкур чиқиндиларни қабул қилиши, қайта ишлаш ёки фойдаланиши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Ушибу рўйхат тўлиқ ҳисобланмайди, утилизация қилиши ва қайта ишлаши имкониятларидан (тегишили технология ва қувватларнинг мавжудлигидан) келиб чиқиб мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Курилиш чиқиндилари
билин боғлиқ ишларни амалга ошириш
тартиби тұғрисидаги низомга
3-илова

**Курилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнлари
тартибини белгиловчы техник хужжатнинг
намунашын шакли**

(чиқинди ҳосил бўлиш обьектининг номи)

(чиқинди ҳосил бўлиш обьектининг жойлашган жойи)

Курилиш буюртмачиси: _____
(номи, юридик манзили, телефон рақами)

Бош пудратчи: _____
(номи, юридик манзили, телефон рақами)

20 ____ й. “ ____ ” _____

1-жадвал

**Объектда ҳосил бўлувчи қурилиш чиқиндиларининг
прогноз кўрсаткичлари**

T/p	Чиқинди тури	Бутун жараён давомида ҳосил бўлиш миқдори (тонна, м ³)	Хавфлилик синфи
Жами			

2-жадвал

**Курилиш чиқиндиларидан фойдаланиш ёки чиқинди полигонларига
жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

T/p	Чиқинди тури	Такрорий фойдаланишга йўналтириладиган чиқинди миқдори (тонна, м ³)	Утилизация ва (ёки) қайта ишлашга йўналтириладиган чиқинди миқдори (тонна, м ³)	Полигонларга жойлаштириш учун йўналтириладиган чиқинди миқдори (тонна, м ³)

3-жадвал

**Курилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилаётган объект
жойлашган ҳудудда (туман, шаҳар)ги мавжуд қурилиш чиқиндиларини
утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш учун тегишли технология
ва қувватларга эга бўлган ташкилотлар рўйхати**

T/p	Ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Ташкилотнинг чиқиндиларни утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш йўналишлари

Изоҳ. Уибу рўйхатга қурилиш ишлари амалга оширилиши режалаштирилаётган объект жойлашган ҳудудда (туман, шаҳар) қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш учун тегишли технология ҳамда қувватларга эга бўлган ташкилотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мазкур ҳудудга бевосита туташ ҳудудлардаги мавжуд ташкилотлар ҳам киритилиши мумкин.

4-жадвал

**Курилиш чиқиндилари ҳосил бўладиган объектдан
чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш**

T/p	Чиқинди тури	Олиб чиқиб кетиш даврийлиги (кун)	Олиб чиқиб кетиш миқдори (тонна, м ³)	Чиқиндилар ташиладиган объект (номи, жойлашган жойи, объект номи ва манзили)

Изоҳ. Уибу жадвалга қурилиш чиқиндиларини вақтинча сақлаши жойларини белгилаган ҳолда қурилиш чиқиндилари ҳосил бўладиган объектнинг схемаси илова қилинади (1:500 масштабдан кам бўлмаган ўлчамда).

Техник ҳужжасига қурилиш чиқиндилари билан боғлик ишларни амалга оширии жараёнларига хос ва зарур бўлган қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Қурилиш чиқиндилари
билин боғлиқ ишларни амалга
ошириш тартиби түғрисидаги низомга
4-илова

**Вақтинча сақлаш жойларida сақланган ва олиб чиқиб кетилган қурилиш
чиқиндиларининг ҳисобини юритиш журнали**

Чиқинди хосил бўлган сана	Чиқинди тури	Хавфлилик синфи	Ҳажми (тонна, m^3)	Олиб чиқиб кетилган сана	Чиқиндиларни олиб чиқиб кетган ташкилот номи	Чиқиндиларни олиб бориш ёки жойлаштириш манзили
1	2	3	4	5	6	7
Жами						

Курилиш чиқиндилари
билин бөглиқ ишларни амалга
ошириш тартиби түғрисидаги низомга
5-илова

Курилиш чиқиндиларини _____ учун ташишга намунашы
(утилизация қишлош, қайта ишлеш, күмиш)

КУЗАТУВ ТАЛОНИ

№: _____

1. Чиқинди чиқарувчи томонидан түлдирилади.

Чиқинди чиқарувчи: _____
(түлиқ номи)

(манзили)

(имзо) (ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг Ф.И.О)

Юборилган сана: 20 ____ й. “ ____ ” _____

T/p	Чиқинди номи	Чиқинди микдори (тонна, м ³)	Хавфлилик синфи	Идиш (тара)

Ташувчи: _____
(түлиқ номи, юридик манзили, телефон рақами)

Олиб чиқиб кетиш обьекти: _____
(чиқинди ҳосил бўлиш обьектининг номи в жойлашган жойи)

Ташиб олиб бориладиган обьект: _____
(чиқиндини қабул қилиб олувчининг түлиқ номи ва манзили)

2. Чиқиндини ташувчи томонидан түлдирилади.

20 ____ й. “ ____ ” _____

(чиқиндини ташишда фойдаланилган транспорт воситасининг русуми ва давлат рақами)

(хайдовчи ёки чиқиндини ташишга масъул экспедиторнинг Ф.И.О)

Ташиб учун масъул шахс: _____
(имзо)

3. Қабул қилиб олувчи томонидан түлдирилади.

Қабул қилиб олинган сана: 20 ____ й. “ ____ ” _____

T/p	Чиқинди номи	Чиқинди микдори (тонна, м ³)	Хавфлилик синфи	Идиш (тара)	Қабул қилишининг мақсади (утилизация қишлош, қайта ишлеш, күмиш)

Чиқиндини қабул қилиб олувчи: _____
(түлиқ номи ва манзили)

(имзо) (чиқиндини қабул қилиб олишга масъул шахснинг Ф.И.О)

Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тұғрисидаги низомга 6-илова

20 ____ йил _____ ойидан 20 ____ йил _____ ойига қада.

да ҳосил бўлган қурилиш чиқиндилари тақрорий фойдаланиш, утилизация қилиш,

(чиқинди ҳосил бўлиш обьекти номи)

қайта ишлаш, шунингдек, кўмишга йўналтирилганлиги тўғрисида МАЪЛУМОТ

Курилиш чиқиндилари
билин боғлиқ ишларни амалга
ошириш тартиби түғрисидаги низомга
7-илова

20 ____ йил “____” _____ даги _____ -сон

(тузилган шартнома номи)

шартномага мувофиқ қабул қилиб олинган чиқиндилар түғрисида
ТАСДИҚНОМА

№: _____

Шаҳар (туман) _____

20 ____ йил “____” _____

1. Чиқиндини қабул қилиб оловчи _____
(тўлиқ номи)

(манзили)

Т/п	Чиқинди тури	Чиқинди миқдори (тонна, м ³)	Хавфлилик синфи	Чиқиндиларни қабул қилишнинг мақсади		
				Утилизация қилиш (тонна, м ³)	қайта ишлаш (тонна, м ³)	кўмиб ташлаш (тонна, м ³)

Чиқиндини қабул қилиб оловчи: _____
(тўлиқ номи ва манзили)

(имзо)

(ташкилот раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “28” январдаги 40-сон қарорига
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори
билин тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси
объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший
чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалариға
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 2-банднинг еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“қурилиш чиқиндилари – бино ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар
ва муҳандислик коммуникацияларини ҳамда ишлаб чиқариш объектларини
қуриш, реконструкция ва (ёки) монтаж қилиш, таъмирлаш ва бузиш
ишларини амалга оширишда ҳосил бўладиган чиқиндилар”.

**2. 30-банднинг учинчи хатбошисидаги “(экологик нормативларга)”
сўзлари “шунингдек, атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги
баёнот лойиҳа ҳужжатлари бўйича” сўзлари билан алмаштирилсин.**

